



2013 йил 04 апрел

№ 314-К

Самарқанд т.-р. Самарқанд

Самарқанд туман «Қайнама» қишлоқ фуқаролар йиғини Марказий Ўрмон хўжалиги «REGISTON NUR BARAKA» масъулияти чекланган жамиятига омборхона қуриш учун ер майдони танлаш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 146-сонли шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорини ижросини таъминлаш мақсадида, «Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамияти бош лойиҳа қидирув институтининг 2013 йил 5 февралдаги 39-сонли баёни, «REGISTON NUR BARAKA» масъулияти чекланган жамиятининг туман ҳокимлигига берган хати, тўпланган барча ҳужжатлар тўплами ва ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. «REGISTON NUR BARAKA» масъулияти чекланган жамиятига омборхона қуриш учун қўшимча 0,13 га ер майдони танлаш ҳақидаги ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд туман «Қайнама» қишлоқ фуқаролар йиғини Марказий Ўрмон хўжалиги ер харитасининг 71 контуридан «REGISTON NUR BARAKA» масъулияти чекланган жамиятига омборхона қуриш учун қўшимча жами 0,13 га (шундан: 0,13 га қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган) ер майдони танлансин.
3. Омборхона бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси «REGISTON NUR BARAKA» масъулияти чекланган жамияти раиси Ш. Ақобиров зиммасига юклатилсин.
4. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари О. Мухторов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев